



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

BIG
DATA

RAQAMLI IQTISODIYOT
VA AXBOROT
TEXNOLOGIYALARI

2022

ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON/2



МУАССИС | FOUNDER

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Tashkent State University of Economics

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD

Шарипов Конгратбой Аvezимбетович – т.ф.д., профессор
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich – doctor of technical sciences, professor

БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF

Абдуллаев Мунис Курбонovich – и.ф.ф.д. (PhD), доцент
Abdullayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

МАСЪУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY

Л.А. Аблазов | Ablazov L.A.

ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:

Н.Я. Нурсаидов, А.Ш. Махмудов | Nursaidov N.Ya., Makhmudov A.Sh.

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.
Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.
М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.
О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.
К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.
И.М. Алимардонов – и.ф.д., доцент.
Р. Салиходжаев – и.ф.ф.д. (PhD).
Проф. Холназар Амонов (Чехия).
Проф. Ҳамид Эргашев (Англия).
Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).
Проф. Одиложон Абдураззаков
(Германия).
Проф. Эко Шри Маргианти
(Индонезия).
Проф. Дмитрий Назаров (Россия).
Проф. Н.М. Сурнина (Россия).
Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).
PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).

PhD. Аҳмед Мохамед Азиз Исмоил
(Миср)
PhD. Бекзод Саидов – (АҚШ).
А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.
И.Е. Жуковская – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Т.С. Кучкоров – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.
Ш.И. Хашимходжаев – и.ф.н., доцент.
А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.
И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.
Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Р.Х. Насимов – т.ф.н., доцент.
А.Б. Бобожонов – и.ф.ф.д. (PhD).
С.О. Хомидов – и.ф.ф.д. (PhD).
Ш.С. Егамбердиев – и.ф.ф.д. (PhD).

МУНДАРИЖА

Шарипов Конгратбой Авезимбетович, Каримова Ширин Зоҳид қизи ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	6
Eshov Mansur Po'latovich, Abdullayev Munis Kurbonovich, Rizayeva Farangiz Xoldorovna BLOCKCHAIN TECHNOLOGIYALARINING OLIY TA'LIM TIZIMIDA QO'LLASH AFZALLIKLARI	11
Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна, Зарипов Баҳодир Бобомурод ўғли ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ҚАРОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ	19
Yuldashev Maqsudjon Abdullayevich, Maxmudov Abbas Sherali o'g'li, Homidov Hamdam Hasan o'g'li IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI	26
Акбаров Нодир Гафурович, Вафоев Бобуржон Расулович, Юсуфжанов Нурмухаммад Жаҳонгир ўғли СПОРТ МАРКЕТИНГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	33
Abduvohidov Abdumalik Mahkamovich, Parpieva Rano Abdurasulovna FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING REMOTE BANKING SERVICE	39
Abdulakhatov Muzaffar Mashrabjon ugli, Jaloliddinova Madina Sirojiddin kizi THE MAIN IMPACTS OF DIGITAL TRANSFORMATION ON SMALL TO MEDIUM- SIZED BUSINESS ENTERPRISES	43
Абдуллаев Мунис Курбонovich, Абдурахмонова Барно РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ	48
Абидов Абдужаббор Абдухамидович ДИАГНОСТИКА СОСТОЯНИЯ И ВОССТАНОВЛЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ СИСТЕМ РЕАЛЬНОГО ВРЕМЕНИ	54
Алимов Раимжон Хақимович, Шамсиева Ф.М. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МЕВА- САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ	59
Амиров Лочинбек Файзуллаевич, Аскарлова Мавлуда Турабовна СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	65
Ахунова Маърифат Хақимовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛАШУВИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	74
Ashurov Zufar Abdulloevich, Butikov Igor Leonidovich MULTIPLE LISTING SERVICE – A DIGITAL TECHNOLOGY FOR REAL ESTATE MARKET OF UZBEKISTAN	78
Бекмуродов Н.Х. ИНСОН РЕСУРЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ	82

Davletova Durдона, Buranova Jazira DIGITAL ECONOMY: INFLUENCE IN ECONOMY DURING THE PANDEMIC	86
Дадабаева Раъно Акромовна ФОРМИРОВАНИЕ СТРАТЕГИИ ОРГАНИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ..	91
Jamalova Gulnora Gulomovna, Aymatova Farida Khurazovna DIGITAL ECONOMY AS A NEW PERIOD OF GLOBALIZATION	94
Жахонгиров Илимдоржон Жахонгиржон ўғли МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	100
Zhukovskaya Irina Evgenievna, Khashimkhodzhaev Sharafutdin Ishankhodzhaevich THE MAIN DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF HIGHER EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION	109
Зарипова Мукаддас Джумаёзовна ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ КўРСАТКИЧЛАРИ ВАЗН КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЭКСПЕРТ СЎРОВ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ	114
Karimova Shirin Zohid qizi ELEKTRON TIJORAT DO‘KONLARIDA 3D TECHNOLOGIYALARINI QO‘LLASH	125
Касимов Азамат Абдукаримович САНОАТ 4.0 НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ	129
Қодиров Фаррух Эргаш ўғли, Мухитдинов Х.С. АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БИЗНЕС ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ	136
Кулматова Сайёра Сафаровна, Рихсимбаев Одилжон Кабилджанович ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ МАШИННО-ТРАКТОРНЫХ ПАРКОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ	142
Kuchkarov Tahir Safarovich, Sultanov Ruslan Rustamovich RESEARCH AND DESIGN STRUCTURE AND FORMAL MODEL OF INFORMATION SYSTEM FOR MANAGING EDUCATIONAL SYSTEM AND E-CONTENT DESIGN BASED ON ELEMENTS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE	147
Мирзакаримова Муhabбатхон Махмуд қизи БАРКАМОЛ АВЛОД БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИ УЧУН МУЛЬТИМЕДИАЛИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	156
Назаров Дмитрий Михайлович, Шкрадюк А.Д. ТЕХНОЛОГИЯ OSINT: ОБЗОР СЕРВИСОВ С ОТКРЫТЫМ ИСХОДНЫМ КОДОМ	167
Nuraliev Faxriddin Murodillaevich, Giyosov Ulugbek Eshpulatovich, Ibodullaev Sardor Narsiddin o‘g‘li TA'LIMNING VIRTUAL OLAMDAGI KO‘RINISHI UCHUN 3D OBEKTLARNI JOYLASHTIRISH VA FOYDALANISH USULLARI	172

Nursaidov Nurmukhammad Yashnar ugli USING MOBILE DEVICES FOR LANGUAGE LEARNING	177
Olimov Maksudjon Komiljon ugli SPECIFIC CHARACTERISTICS OF MODERNIZATION OF INDUSTRIAL PRODUCTION BRANCHES AND IMPLEMENTATION OF “INDUSTRY 4.0” CONCEPT .	183
Ортиков У.А. СУЩНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ	188
Отажанов Умид Абдуллаевич, Нуруллаева Шахноза Тохтасиновна, Сайдуллаева Саодат, Исакова Наима ЎУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАДБИҚИ	193
Паязов Мурод Максудович ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	201
Пилипенко Елена Федоровна, Белалова Гузаль Анваровна ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ	207
Рўзиева Дилобар Исомжоновна РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	214
Сабиров Ойбек Шавкатбекович, Эргашова Наргиза Бобохоновна ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	219
Саидназаров Фирдавс Абдуллоевич КОРХОНАЛАРДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ АМАЛИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ (Ўзбекгидроэнерго АЖ мисолида)	227
Салайев Расул Шавкатович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ АКТИВЛАР МУОМАЛАСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	237
Темиров Абдулазиз Алимжанович АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАҚАМЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	249
Тўхсанов Қудратилло Нозимович ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА РАҚАМЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ	254
Файзиева Муяссарзода Ханчаровна РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ	259
Файзуллаева Нилуфар Садуллаевна ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИИ И РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАНИЯ	268
Хашимова Дилёра Пахритдиновна, Мирзиёдова Гульнозахон Аюбхон кизи ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНСТРУМЕНТОВ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ПРОДВИЖЕНИЯ ТОВАРОВ ТОРГОВОГО ПРЕДПРИЯТИЯ	272

Хидиров Темур Қахрамон ўғли СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ	278
Xodjayeva Mavlyuda Sabirovna, Saydakhmedova Barno Batirovna TA'LIMDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISHNING AHAMIYATI	285
Хужакулов Хаитмурат Джавлиевич, Аюбджанов Аббас Хасилович ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ...	293
Хакимова Муҳаббат Файзиевна, Тўрабеков Фарход Санакулович ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АРАЛАШ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	300
Shermuhamedov Abbos Toirovich, Ablazov Lazizbek Abdigosimovich OLIY TA'LIMDA BULUT TECHNOLOGIYALARINING IMKONIYATLARI	306
Shoaxmedova Nozima Hayrullayevna, Abdullaeva Iroda Maxmudjanovna, Mannanova Shaxida Gaybullayena, Yusupova Dilbar Mirabidovna SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA SOXTA KONTENTLARNI ANIQLASH USULLARI ..	311
Юлдашев Абдухаким Абдукаримович КИЧИК ЁҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИДА ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ЛОГИСТИК ЭКОТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИГИ	317
Yuldasheva Nilufar Abduvakhidovna THE CONCEPT OF THE STRATEGY OF INNOVATIVE AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY	322
Юлдошев Улугбек Аскар ўғли РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК	327
Юсупов Муҳиддин Соатович УКРЕПЛЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПУТЕМ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО И УМНОГО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ	334
Юсупов Мансур Махаммаджон угли, Шоахмедова Нозима Хайруллаевна АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	345
Якубов Максадхон Султаниязович, Шарифжанова Нилуфар Муратжановна МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ МЕТОДОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПОДГОТОВКИ РАЗРАБОТЧИКОВ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ	352
Асадов Жасур Абдужабборович РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	361
Homidov Hamdam Hasan o'g'li, Vafoyev Boburjon Rasulovich, Maxmudov Abbos Sherali o'g'li SUN'IY INTELLEKT TECHNOLOGIYALARINI QISHLOQ XO'JALIGI FAOLIYATIDA TADBIQI	367
Norboeva Nafisa Erkinovna EFFICIENT USE OF CLOUD TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS	372

МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Жаҳонгиров Илимдоржон Жаҳонгиржон ўғли
Фаргона политехника институти тадқиқотчиси, и.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш тизими самарадорлигини ошириш йўналишлари тадқиқ этилиб, муаллиф томонидан тиббий сугуртани жамият ҳаётига тадбиқ этиш асосида соғлиқни сақлаш тизимининг истиқболли молиявий-иқтисодий моделларини яратиш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калитли сўзлар

соғлиқни сақлаш, молиявий оқимлар, даволаш, сифатли тиббий хизмат, рақамли ахборот технологиялари, тиббий хизматлар кўрсатиши

Кириш

XXI асрда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда тиббий хизматлар кўрсатиш нархи сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу аҳолининг қариши, сурункали касалликларга чалинганлар сонининг кўпайиши, тиббий технологияларнинг жадал ривожланиши ва ҳоказолар билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда молиялаштиришнинг янги моделлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда биринчи навбатда, даволашнинг инновацион усулларини жорий этиш, натижада, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятида белгиланган кўрсаткичларга эришиш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришнинг янги моделларини излаш учун мамлакатлар ушбу соҳадаги лойиҳаларда хусусий капитални тобора кўпроқ жалб қилмоқдалар.

Дунёда соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш моделларини яратиш ва оптималлаштириш соҳасида катта тажриба тўпланган. Етакчи давлатлар аҳолини бепул тиббий ёрдам билан қамраб олишни кенгайтириш, молиялаштириш манбалари ва маблағларини тақсимлаш усулларини, соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини ошириш ва харажатларнинг такрорланишига барҳам бериш мақсадида уни бошқариш усулларини оқилона йўлга қўйишга изчил интиломоқда. Дунёда мавжуд соғлиқни сақлашнинг бирорта модели ўзини универсал деб даъво қила олмаслигига қарамай, ушбу моделлар параметрларини, уларнинг кучли ва заиф томонларини таҳлил қилиш, шунингдек, муайян мамлакатлар тажрибасини умумлаштириш соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Методология

Тадқиқотда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, тизимли таҳлил, абстракт-мантиқий фикрлаш, монографик кузатув, таққослаш, статистика ва иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга нисбатан берилган ёндашувларнинг ўзаро фарқлари кўринса-да, уларнинг ғоявий жиҳатлари ўзаро уйғунликни акс эттиришини қайд этиш мумкин. Ўзбекистон учун соғлиқни сақлашнинг мақбул моделини яратиш масалаларини ўрганиш юзасидан сўнгги йилларда жадал ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур масала О.Райимбердиеванинг тадқиқот ишида соғлиқни сақлаш муассасалари молиявий ресурслари таркиби ва манбаларини шакллантириш тартиби, уларни режалаштириш, сарфланишини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг истиқболли йўналишлари аниқланган.[9]

Г.Қосимова ишида эса, давлат бюджетидан ижтимоий-маданий тадбирларини молиялаштириш жараёнида соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларини қоплаш масалалари тадқиқ этилган.

А.Султонова илмий тадқиқотида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда давлат бюджети маблағлари ўрни хусусида халқаро тажрибалар ўрганилган. Яъни, тизим молиялаштирилишини бошқаришнинг хорижий тажрибалари жорий этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. [3]

Ў.Ражабов томонидан ўрганилган ижтимоий хизматлар соҳасида, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва соҳани молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар манбаларини кенгайтиришга устуворлик бериш асосланган.[10]

М.Туртаев илмий ишида аҳолининг тиббий хизматлар билан таъминланишида тиббиёт муассасаларининг бирламчи бўғинлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларни шакллантириш ҳамда уларни молиявий таъминлаш масалаларини ҳал этишда маркетингни ташкил этишнинг муҳим жиҳатлари асослаб берилган.[11]

Ўзбекистонлик яна бир олимлардан, Д.Рахмоновнинг илмий хулосаларида ҳам бюджет сиёсатининг йўналишлари тўғрисида фикрлар баён этилган. Хусусан, ижтимоий соҳани бюджетдан молиялаштирилишида устувор йўналишлар сифатида таълим, соғлиқни сақлаш ва фан соҳаларига эътибор берилиши қайд этилган.[7]

Мазкур иқтисодчи олимлар томонидан соғлиқни сақлаш тизимида молиявий бошқаришнинг замонавий тамойиллари, ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган бўлсада, рақамли иқтисодиёт шароитида унинг методологик асослари бўйича таҳлилий хулосалари етарлича тадқиқ қилинмаган.

Таҳлил ва натижалар

Умумий тиббий суғурта фондларидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш тизимларини комплекс таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни суғурталаш тамойилларига ўзгартириш механизмларини ишлаб чиқиш, Давлат тиббий суғуртаси Жамғармаси ҳамда суғурта компанияларининг тиббиёт муассасалари устидан молиявий назоратини кучайтириш, беморнинг тиббиёт муассасаси ҳамда даволовчи шифокорни танлаш эркинлигини амалда қафолатлайди ва соғлиқни сақлашни бошқариш самарадорлигини оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Замонавий шароитда соғлиқни сақлашнинг барча моделларини уч турга бўлиш мумкин.

1. Бюджет (давлат).
2. Суғурта (ижтимоий суғурта).
3. Хусусий (нодавлат).[11]

Семашко-Бевеиж модели сифатида танилган биринчи моделнинг ўзига хос хусусияти - давлатнинг муҳим роли саналади. Солиқ тушумлари молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бутун аҳолига тиббий хизматлар бепул тақдим этилади. Ялпи ички маҳсулотда давлат манбаларидан жами харажатларнинг улуши, қоида тариқасида, 8-11% ни ташкил қилади. Хусусий суғурта ва кўшимча тўловлар кўшимча вазифани бажаради.

Молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланади. Тиббиёт ходимлари хусусий бошқарув компаниялари назорати остида бюджет маблағларини оладилар. Давлат соғлиқни сақлаш харажатларининг катта қисмини (70% ва ундан кўп) қоплаган ҳолда ҳам харидор, ҳам хизмат кўрсатувчи вазифасини бажаради. Соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш юқори даражада марказлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Аксарият тиббий хизматлар давлат соғлиқни сақлаш муассасалари (даволаш-профилактика муассасалари) ва хусусий амалиёт шифокорлари томонидан тақдим этилади, аммо хусусий сектор қоида тариқасида, иккинчи даражали ролни бажаради.

Давлат тиббий товарлар ва хизматлар бозорининг аксарият жабҳаларини қатъий назорат қилади, бозорга кириш қоидаларини белгилайди, тўловларни қоплаш рўйхатларини шакллантиради, тариф сиёсати ва нархлаш орқали кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажми устидан назоратни таъминлайди. Тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш соғлиқни сақлаш муассасаларини аккредитациядан ўтказиш ва шифокорларни лицензиялаш шаклида профессионал тиббий ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш бир нечта манбалардан олинishi мумкин.

1. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган умумий солиқлар, улар ҳисобидан давлат бюджети даромадлари шаклланади. А) жисмоний шахслар ёки корхоналар, ташкилотлар, давлат томонидан бевосита тўланадиган тўғридан-тўғри солиқлар (шахсий даромад солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи) мавжуд; б) воситачи орқали тўланадиган билвосита солиқлар (сотиш солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар). Давлат бюджетининг даромад қисмига киритилган умумий солиқлар давлатнинг вазифаларига мувофиқ харажатлар йўналишлари бўйича – давлат ижтимоий

дастурларини, шу жумладан, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, муҳофаза дастурларини амалга ошириш, бошқарув аппаратини сақлаш учун тақсимланади. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш дастурлари бутун аҳолини ёки фақат маълум бир гуруҳ одамларни (масалан, фақат кексалар, камбағалларни) қамраб олиши ва турли хил тиббий хизматларни тақдим этиши мумкин.

Умумий солиқлар давлат бюджетининг энг ишончли ва энг катта маблағ манбаи ҳисобланади. Аммо улар билан бир қаторда давлат ўз даромадларини тўлдириш учун ички ва ташқи кредитлар ҳам бериши мумкин.

2. Ижтимоий суғурта бадаллари - тахминий тиббий харажатлар учун тўловлар. Ушбу мақсадли солиқлар иш берувчилар томонидан иш ҳақи фондидан ижтимоий ажратмалар шаклида ва (ёки) ходимлар томонидан индивидуал иш ҳақи бўйича ижтимоий тўловлар шаклида тўланади. Улар давлат бюджетидан ажратилган ижтимоий тиббий суғурта фондларида тўпланади ва шунинг учун бюджетдан ташқари жамғармалар деб аталади.

3. Тиббий хизматларни сотиб олиш учун истеъмолчиларга тўғридан-тўғри тўловлар ёки тўғридан-тўғри харажатлар. Ушбу тўғридан-тўғри тўловлар тиббий хизматни истеъмол қилиш ёки олиш вақтида амалга ошириладиган тўловлардир. Масалан, бемор шифокор томонидан кўрсатилган дори-дармонларнинг тўлиқ нархини тўлаши (тўғридан-тўғри сотиб олиш), тўлиқ нархининг атиги 10 фоизини (қўшма суғурта) ёки дори учун қўшимча тўлов тўлаши керак.

Дунёда соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг санаб ўтилган манбаларидан фақат биттаси фойдаланиладиган давлат деярли мавжуд эмас. Ҳамма жойда аралаш тизимлар мавжуд бўлиб, у ёки бу даромад йиғиш манбалари устунлик қилади. Баъзи мамлакатларда (Германия, Нидерландия, Франция, Япония, Канада) мажбурий тиббий суғурта тизими ривожланган, бошқаларида (Буюк Британия, Швеция, Италия, Испания, Грецияда) бюджетдан молиялаштириш тизими ёки хусусий соғлиқни сақлаш тизими мавжуд. МДХ мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда бюджетдан молиялаштириш тизими устунлик қилади, бироқ уларнинг айримларида (Россия, Грузия, Қирғизистон, Эстония, Латвия, Литва) бюджетдан молиялаштириш билан параллел равишда тиббий суғурта жорий этилмоқда.

1-жадвал

Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг асосий йўналишлари ва уларни молиялаштириш манбалари

Фаолият йўналиши	Амалга ошириладиган функциялар	Молиялаштириш манбалари
1. Жамоат саломатлигини химоя қилиш	1. Касалликлар хавфини камайтиришга қаратилган махсус тиббий хизматлар кўрсатиш. 2. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. 3. Соғлом турмуш тарзи ва соғлом атроф-муҳитни таъминлаш (парҳез ва овқатланиш, сув таъминоти ва канализация)	1. Давлат бюджети
2. Клиник хизмат кўрсатиш	1. Касалликларни даволашга қаратилган кенг кўламли тиббий хизматларни тақдим этиш	1. Давлат бюджети 2. Ижтимоий суғурта 3. Аҳолининг хизматлар учун тўлови 4. Хусусий суғурта

Манбаа: муаллиф ишланмаси

Ҳар бир мамлакатда давлат томонидан қафолатланган тиббий хизматлар ҳажми (Кафолатланган пакет) унда мавжуд бўлган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик ва бошқа шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва давлат бюджети ҳисобидан ёки ижтимоий суғурта ҳисобидан молиялаштирилади. Бу икки манба давлат фондлари деб аталади. (1-жадвал)

Ўзбекистонда мавжуд соғлиқни сақлаш тизимининг камчиликларидан бири тиббиёт муассасаларининг молиявий, тиббий ва ташкилий фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқанинг етарли эмаслигидир. Барча тиббиёт муассасалари аҳоли саломатлигини мустақкамлашда эришилган натижалар учун эмас, балки сарфланган харажатлар учун маблағ олади. Ушбу тамойилга кўра, ҳар бир турдаги тиббий муассасалар молиялаштирилади - шифохоналар, поликлиникалар, амбулаториялар ва бошқалар. Шунинг учун улар моддий рағбатлантириш билан боғланмаган. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимини аҳоли саломатлигини яхшилашга эмас, балки имкон қадар кўпроқ ресурсларни истеъмол қилишга қаратади.

Муассаса ушбу маблағларни юқори турувчи органлар – Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вилоят соғлиқни сақлаш, шаҳар соғлиқни сақлаш вазирлиги, туман марказий касалхонаси томонидан белгиланган меъёрларга мувофиқ сарфлайди. Худди шу органлар штат жадвалига, аниқ молиялаштириш меъёрларига риоя этилиши, маблағларнинг харажатлар моддалари ўртасида ўтказилиши устидан қатъий назоратни амалга оширади.

Бироқ, шу билан бирга, улар тиббиёт муассасалари фаолиятидаги жиддий камчиликларга, масалан, касалхонага ётқизилишнинг асоссиз ҳолатларига, ётоқда ҳаддан ташқари узоқ муддатга, фойдаланилмаётган қимматбаҳо жиҳозларга, беморларнинг шикоятларига жавоб бермайдилар.

Бундай молиялаштириш тизимида маблағлар оқими юқоридан пастгача тақсимланганда, айниқса, қишлоқ жойларидаги тиббиёт муассасалари энг оғир молиявий аҳволга тушиб қолади. Марказий шифохона тумандаги тиббиёт муассасаларини ривожлантириш учун ўз ҳисобидан маблағ олиб, уларни биринчи навбатда марказий шифохона ва поликлиникага, сўнгра қуйи тиббиёт муассасаларни сақлашга ажратади. Бундай ёндашув натижасида мазкур муассасаларнинг бинолари ва тиббий жиҳозлари ниҳоятда қаровсиз ҳолатда бўлиб, уларнинг моддий-техник жиҳозланишини аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасига кўтариш учун катта маблағ талаб этилмоқда.

Республикада соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, маблағлар ҳаракатининг барча босқичларида бюджетдан сметали молиялаштириш тамойилига риоя қилинади: Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзига бўйсунувчи муассасалар учун соғлиқни сақлаш бюджети сметасини шакллантиради ҳамда Молия вазирлигига тасдиқ ва молиялаштириш учун тақдим этади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳудудий бўйсунув даражасидаги тиббиёт муассасалари, уларнинг таркибий бўлинмалари бўйича марказий туман касалхоналари учун бюджетларни тузади. Шундай қилиб, бюджет маблағларининг бюджет таснифининг ўзига хос хусусиятларига кўра тақсимланиши ва ишлатилиши устидан қатъий назорат таъминланади. Қонуний жиҳатдан мустақил тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ёки маблағлар ажратиш қатъий равишда харажатлар моддалари бўйича амалга оширилади.

Ҳар бир муассаса белгиланган меъёрларга мувофиқ (ташрифлар сони, ётоқ-ўринлар сони, ходимлар сони, дори-дармонлар ва юмшоқ инвентарларни истеъмол қилиш нормалари ва бошқалар) керакли маблағлар миқдорини белгилайди. Бир томондан муассаса, иккинчи томондан, маҳаллий соғлиқни сақлаш ва молия органлари ўртасидаги музокаралар натижасида якуний миқдор белгиланади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳудудий муассасаларнинг бюджетларини белгилайди ва вилоят молиясига кўриб чиқиш учун киритади. Ушбу харажатлар моддалар бўйича тасдиқланганидан кейин вилоят соғлиқни сақлаш ва вилоят молия бошқармаси томонидан имзоланган буйруқ асосида маблағлар муассасалар ўртасида тақсимланади.(2-жадвал)

2-жадвал

Ҳозирда вақтда бюджет маблағларидан молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари

Афзалликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> • Молиялаштириш ҳажмини олдиндан билиш мумкин • Молиялаштирувчи орган учун маблағлардан фойдаланишни назорат қилиш осон • Кўшимча статистик ва молиявий маълумотларни тўплашни ва компьютер технологияларидан мажбурий фойдаланишни талаб қилмайди 	<ul style="list-style-type: none"> • Тиббиёт ходимларининг беморлар саломатлигини яхшилашдан иқтисодий манфаатдорлик мавжуд эмас • Молиявий ресурслардан самарали фойдаланишдан манфаатдорлик мавжуд эмас. • Муассаса раҳбарлари маъмурий ва молиявий қарорлар қабул қилишда мустақилликка эга эмаслар

Манбаа: муаллиф ишланмаси

Туман ҳокимлиги ҳам, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам бир томонлама тартибда маблағларни муассасалар ўртасида ҳам, уларнинг бюджетларининг тасдиқланган моддалари ўртасида ҳам қайта тақсимлашга ҳақи эмас. Бюджет йилида шаҳарлар ва туманлар ўртасида қайта тақсимлаш фақат ҳокимлар билан келишилган ҳолда ва уларнинг фармойиши билан йўл қўйилади.

Таҳлилдаги кўрсаткичлар асосида давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар орасида энг кўп улуш Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг ойлик иш ҳақи ва ундан ажратмаларга тегишли эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, короновирус пандемияси сабабли ушбу инфекциясига қарши курашиш харажатлари охириги уч йил мобайнида сезиларли салмоқни ташкил этган.(3-жадвал)

**2016-2022 йилларда Давлат бюджетидан "Соғлиқни сақлаш" соҳасига ажратилган
маблағлар ижроси тўғрисида маълумот (млрд.сўм ҳисобида)**

	Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й. Параметр
	Соғлиқни сақлаш - ЖАМИ	5 917,7	7 287,9	9 696,6	14 781,6	20 752,9	21 819,0	23 226,4
	<i>шу жумладан:</i>							
1	Соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш	553,3	552,7	1 146,3	1 757,2	1 032,4	1 400,0	1 200,0
2	Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг ойлик иш ҳақи ва ундан ажратмалар	4 507,5	5 130,5	6 392,1	10 227,6	12 282,6	12 483,0	15 619,8
3	Дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар	210,1	393,7	791,7	1 119,9	1 446,5	1 783,9	2 474,1
4	Озиқ-овқат	129,0	182,8	202,4	301,9	330,2	604,3	686,1
5	Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси	146,0	176,9	211,3	260,0	313,5	490,9	516,0
6	Асосий воситаларни сотиб олиш	51,9	55,2	198,3	220,5	343,9	287,5	300,6
7	Коммунал харажатлар	66,2	82,7	97,7	186,1	235,6	253,0	253,6
8	Коронавирус инфекциясига қарши курашиш харажатлари					3 846,3	4 300,0	1 700,0

Манбаа: Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Реал маблағлар вилоят молияси томонидан биринчи навбатда туман (шаҳар) молия бўлимларига, сўнгра ҳар бир молиялаштирилган соғлиқни сақлаш муассасасининг банк ҳисоб рақамларига ўтказма шаклида тақдим этилади. Маблағлар умумий бюджет даромадларидан келиб чиқади. Бинобарин, йиғилган бюджет даромадлари режадагидан кам бўлса, тиббиёт муассасаларига ҳақиқатда келиб тушган маблағлар ҳам қисқаради. Бу маблағлар, биринчи навбатда, муассаса харажатларининг муҳим қисмини ташкил этувчи иш ҳақи, иш ҳақи ва ходимларнинг нафақалари бўйича харажатларни қоплайди. Ушбу бюджет моддалари "ҳимояланган" ва биринчи навбатда уларга пул берилади. Қолган арзимас миқдор қатъий равишда бошқа нарсалар ўртасида тақсимланади. Тасдиқланган стандартларга асосланган қаттиқ модда-модда молиялаштириш муассаса раҳбарига самарали қарорлар қабул қилишга имкон бермайди. Улар ўз ходимларини ишга олмайдилар, чунки уларнинг штатлари юқоридан белгиланади. Шунинг учун улар иш ҳақи ва нафақалар нархини ўзгартира олмайди. Вазият ўзгариб, ишнинг манфаатлари баъзиларини камайтиришни ва бошқа харажатларни оширишни талаб қилса ҳам, улар барча тасдиқланган моддалар бўйича харажатлар сметасига қатъий риоя қилишлари керак.

Соғлиқни сақлашга қилинадиган харажатлар ўз иқтисодий моҳиятига кўра қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади: -даволаш-профилактика муассасалари ва тадбирларига харажатлар; -санитар-профилактика муассасалари ва тадбирлари; -бошқа муассасалар ва тадбирлар. Соғлиқни сақлаш тизими молиявий ресурсларининг асосий улуши даволашпрофилактика муассасаларини сақлашга йўналтирилиб, уларга касалхоналар, поликлиникалар, фельдшер-акушер пунктлари, тез ёрдам станцияси, болалар уйлари, санаторийлар киради. Санитария-профилактика муассасаларига қуйидагилар киради: санитарияэпидемиологик станциялар, дезинфекцион станциялар, санитар-маърифат уйлари. Учунчи гуруҳга суд-тиббиёт экспертиза бюрolari ва бошқалар киради. Соғлиқни сақлаш соҳаси тараққиётининг муҳим омили – уни илғор, бозор иқтисодиёти тамойилларига таянган молиялаштириш тизимидир. Давлат бюджетидан харажатларни молиялаштириш харажатларининг йиллик рўйхатини ойлар бўйича бўлиб тақсимлаш тақдиротига биноан амалга оширилади.

Касалхоналар харажатлар сметасида тўртинчи гуруҳ 42-52-300 коди бўйича харажатлар режалаштирилиб, улар икки категория беморлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади: имтиёзли ва имтиёзсиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Даволашпрофилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 02.12.1997 йилдаги № 532-сонли Қарорида овқатланиш тўловидан озод қилинувчи касалликлар рўйхати келтирилган. Овқатланишга харажатлар ўртача йиллик ўрин-кунлар сонини беморнинг бир кунда овқатланиш меъёрига кўпайтириш орқали ҳисобланади. Овқатланиш харажатлари ҳам бемор томонидан, ҳам иш берувчи (бемор ишлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалар) томонидан қопланади. Шу тариқа дори-дармонларга харажатлар ҳам ҳисобланади. Харажатларнинг муҳим бўлимларидан бири – коммунал хизматларни тўлашга харажатлар бўлиб, уларни режалаштириш натурал кўрсаткичлар асосида амалга оширилади. Тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасаларига юридик шахс статуси берилди ва 2005 йил 1 октябрдан бюджетдан молиялаштиришнинг янги тартибини [4] бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи бўйича ҳисоблашга ўтилди. Унга кўра, ҳар вилоятда бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи ҳар йили вилоятларнинг ҳар бир ҳудуди учун алоҳида белгиланади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{НХБ} = \text{ВСБ} \times \text{ЎУ} / \text{АСй},$$

бунда: НХБ – режалаштирилаётган йил учун бир киши ҳисобига харажатларнинг норматив базаси;

ХССБ – ҳудудлар соғлиқни сақлаш умумий бюджети (бундан санитария-эпидемиология шахобчалари, капитал қўйилмалар ва режалаштирилаётган йил учун марказлаштирилган тадбирлар харажатлари истисно);

ЎУй – ҳисобот даврида тегишли ҳудуд соғлиқни сақлаш бюджетиде БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетининг ўртача улуши (коэффициентларда). БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетини ҳисобот давридаги санитария-эпидемиология назорати хизматлари, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларини истисно этган ҳолда ҳудуд соғлиқни сақлаш умумий бюджетига бўлиш йўли билан аниқланади.

АСй – аҳоли сони (режалаштирилаётган БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган ҳудуддаги йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра). Институционал тарақиётнинг муҳим омили – мутахассислар тарақиётидир. Шунинг учун тиббий муассасаларнинг моҳияти ва соҳадаги ролига алоҳида урғу берган ҳолда, тармоқ мутахассисларининг ривожланиши, мунтазам малакаларини ўстириб бориши чоралари кўрилган. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низом асосида тиббиёт муассасалари гуруҳлаштирилди ва уларда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича такомиллаштирилган тизими жорий этилди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари ҳар бир гуруҳлари бўйича қуйидаги тузатиш коэффициентлари белгиланади: муассасаларнинг 1-гуруҳи учун – тегишли разряд тариф ставкасига 1,0 тузатиш коэффициенти; муассасаларнинг 2-гуруҳи учун – тегишли разряд тариф ставкасига 1,03 тузатиш коэффициенти; муассасаларнинг 3-гуруҳи учун – тегишли разряд тариф ставкасига 1,05 тузатиш коэффициенти; муассасаларнинг 4-гуруҳи учун – тегишли разряд тариф ставкасига 1,15 тузатиш коэффициенти.

Натижалар муҳокамаси

Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, қуйидаги муаммоларни таъкидлаш мумкин: соғлиқни сақлаш тизими бюджет харажатларида иш ва унга тенглаштирилган тўловларнинг жамига нисбатан улуши 80-85 фоизни ташкил этмоқда; соғлиқни сақлаш тизими умумий маблағларида бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳажми кичик миқдорда қолаётганлиги, давлат тиббиёт муассасалари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини англатади; жаҳон тажрибаси кўрсатишича, тиббий хизматларни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришнинг ЯИМга нисбатан улуши 5 фоиздан ортиқ эканлиги, мамлакатимиздаги ушбу рақамни ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради; Ўзбекистонда тиббий хизматларнинг импорти ривожланиш тенденциясининг жадал тусга кириб бораётганлиги; Тиббий хизматлар нархлари мониторинги мавжуд эмаслиги. Соҳани молиялаштириш тизими танланган маълум параметрларни истиқбол натижаларининг молиявий сиёсатнинг самарадорлигини оширишга қаратилганлигида акс этади. Молиявий сиёсат тизим харажатларининг умумий самарадорлигини ошириш учун фойдаланилиб, маълум тиббий хизматлар йиғиндисидан барча тоифадаги инсонлар фойдаланилишини таъминлаши

керак. Бу молиялаштириш тизими доирасида маблағларни тўғри йўналтирилишига олиб келади. Мазкур сиёсатни шакллантиришда бир нечта омиллар таъсир кўрсатади ва улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: – инсонлар саломатлигига таъсир қилувчи омиллар йиғиндиси (атроф-муҳит, ёш, яшаш шароити); – инсонларнинг саломатлик даражаси (касаллик ва ўлимлар сони кўрсаткичлари); – тиббий хизмат кўрсатувчилар ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлар; – соғлиқни сақлаш соҳасида ёки шахсий саломатлик доирасида харажатлар ва даромадлар.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашда молиявий ресурсларнинг манбаларини шакллантириш ва улар ҳажмини баҳолаш, харажатларни молиялаштириш методлари ҳамда харажатларнинг натижавийлигини ўзида акс эттириши лозим. Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти натижалари нафақат молиявий балки, ижтимоий-молиявий аҳамият касб этади. Молиядан самарали фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки соғлиқни сақлашга харажатларнинг кўпайиши динамикаси нафақат юқори технологияли тиббий ёрдамдан фойдаланиш билан, балки биринчи навбатда ўртача умр кўриш даврийлигининг ошиши туфайли аҳолининг қариши билан боғлиқ объектив ҳақиқатдир, бу эса давлатлар фаровонлигининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Аҳолининг қариши касалланиш таркибини ҳам ўзгартиради. Онкология ва бошқа оғир турдаги касалликлар биринчи ўринга чиқади, уларни даволаш бошқа касалликлар гуруҳларидан фаркли ўлароқ, белгиланган вақт билан чекланмаган, сезиларли даражада катта ва узок харажатларни талаб қилади. Буларнинг барчаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда тиббиёт муассасаларини молиявий бошқариш ва молиялаштиришга сифат жиҳатидан янги ёндашувларни талаб қилади.[5]

Ҳар қандай мамлакатда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳар қандай ислохотлар учта самарадорлик хусусиятига кўра баҳоланади: харажатлар, фойдаланиш имконияти, тиббий ёрдам сифати. Ушбу учта хусусиятни баъзи мутахассислар соғлиқни сақлашнинг "темир учбурчаги" деб аташади. [6] Харажатларни баҳолашда соғлиқни сақлашнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбат, яъни тор маънода соғлиқни сақлаш моделининг иқтисодий самарадорлиги (кириш / чиқиш нисбати) ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришда қуйидаги мураккабликларнинг мавжудлиги билан масаланинг долзарблиги ўз ифодасини топади:

- натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиётига ўтишда тиббий хизматлар сифатининг мезонлаштирилмаганлиги;
- бюджет маблағларини таъминлашда унинг ҳар бир-бирлигига тўғри келувчи аниқ натижанинг ёки самаранинг мавжуд эмаслиги;
- ўртача умр кўриш даврийлигининг фаоллик мезони ишлаб чиқилмаганлиги.

Бугунги кунда ижтимоий соҳа тараққиёти дунё мамлакатлари барқарорлигининг муҳим бўғинига айланиб улгурди. Хусусан, кўплаб давлатларда ижтимоий соҳа харажатлари бюджет харажатларининг салмоқли қисмини ташкил қилади. Ваҳолаки, ижтимоий соҳаларни, жумладан, республикамизда тиббиёт муассасаларини молиялаштиришни янгича усулларини жорий қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли соғлиги даражаси кўрсаткичларини барқарорлаштириш, ўртача умр кўриш даврийлигини узайтириш ҳамда якуний натижаларга бўлган меъёрларни ишлаб чиқиш айни кундаги долзарб масалаларга айланди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев "... халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш лозим. Бизнинг бош мақсадимиз – нафақат касалликни даволаш, балки унинг олдини олишдан иборат. Тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнида давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенгайтириш лозим. Давлат томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар доираси белгиланиб, пуллик ва бепул даволаниш ўртасида аниқ чегара ўрнатилиши керак" - дея таъкидлаб ўтдилар. [1]

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар давлат томонидан молиялаштирилиб, ҳар бир койка-жой учун сметали молиялаштириш тизими ишламоқда. Бу эса ажратилаётган маблағлар сарфланиш самарадорлигини пасайтириб, муассасаларни молиялаштириш тизимини ислоҳ қилишни талаб этади. Сабаби, бугунги кунда тиббиёт муассасалари койка-жойи режасини бажариш, ажратилаётган маблағни камайтирилишини олдини олиш мақсадида асослантилмаган касалларни ҳам стационарга даволашга ётқизадилар. Бундан ташқари, аҳолини барча қатламлари тўлиқ ва сифатли тиббий хизматлар олиш имкони мавжуд эмас. Жорий қилинаётган давлат тиббий суғурта тизимида аҳолининг барча қатламлари қафолатланган тиббий хизматлар пакети

доирасида тўлиқ тиббий хизматлар билан қамраб олинади, тиббиёт муассасалари эса ҳар бир даволанган ҳолат учун молиялаштирилади.

Бизда аҳоли бирор бир касаллик аломатларини сезсагина шифокорга мурожаат қилади, шунда ҳам тор мутахассисга. Тор мутахассислар стационарларда ёки кўп тармоқли поликлиникаларда бор. Янги тизимда бемор аввал оилавий шифокорига мурожаат қилади, агар касали зарурат бўлса, тор мутахассисга йўлланма беради ва бемор бу йўлланма орқали бепул даволанади. Йўлланмасиз ўзи тор мутахассисга борса, пул тўлайди. Энг асосий масала, аҳолини бирламчи бўғинга қайтариш. Оилавий шифокор ўзига бириктирилган аҳолини ҳар бирини касаллигини, аҳолини билади, назорат қилади. Оилавий шифокор мавқеини ошириш мақсадида у орқали аҳолига, имтиёзли гуруҳдагилар бепул доридармон тарқатилади, даволаниш учун бепул йўлланма берилади. Муассасалардаги тор мутахассисларни иши самарадорлиги ортади. У кўпроқ даволанишга муҳтож, касаллиги авж олган беморларга вақт ажратади. Ривожланган давлатларда беморлар мурожатининг 70-80 фоизи бирламчи бўғинга(қишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиника), 20-30 фоизи тор мутахассисларга, шифохоналарга тўғри келади. Бизда эса аксинча, 70-80 фоиз мурожаатлар тўғридан-тўғри тор мутахассисларга, шифохоналарга тўғри келади. Бу эса маблағларни самарасиз сарфига олиб келмоқда.

Давлат тиббий суғуртасининг жорий қилиниши соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ ахборотлаштиришни талаб этади. Бунинг натижасида бириктирилган аҳолининг электрон рўйхати шакллантирилади, беморлар кесимида тиббий маълумотлар базаси яратилади, тизимдаги тиббиёт ташкилотларини соғлиқни сақлашнинг миллий ягона ахборот тизимига улаш, ўзаро ахборот алмашинувини таъминлаш ҳамда аҳоли учун тиббий ёрдамнинг бепул ва пуллик ҳажмлари чегарасини аниқлаш имкони яратилади.

Давлат тиббий суғуртаси тизимига хусусий тиббиёт ташкилотларини ҳам жалб этиш тиббий хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган.

Тиббий хизматлар истеъмолчилари учун соғлиқни сақлаш тизимида қайси тамойил устунлик қилиши - марказлаштириш ёки марказсизлаштириш тамойили, у қандай молиялаштирилиши - умумий солиқ (давлат бюджетидан) ёки ижтимоий тўловлар (соғлиқни сақлаш суғуртаси жамғармалари ҳисобидан) унчалик муҳим эмас. Бу тизим қуйидагиларни амалга оширишда аҳамиятли саналади:

- аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- тиббий ёрдамнинг мавжудлиги;
- тиббий ёрдам сифати;
- тиббий ёрдам кўрсатишда узлуксизлик;
- соғлиқни сақлаш ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- давлат дастурлари доирасидаги ёрдамнинг замонавий даражаси кафолатлар.

Бу борада олиб борилган изланишларимиз ва хорижий давлатлар соғлиқни сақлаш тизими моделлари таҳлили натижасида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир ўз тақлифларимизни киритмоқчимиз:

- янги молиялаштириш механизмлари орқали клиник харажатлар гуруҳлари ва жон бошига “даволанган ҳолат учун” тўлов тизимини босқичма-босқич жорий этиш;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган молиялаштиришнинг ягона меъёрини жорий қилиш йўли билан мувофиқлаштириш;
- давлат ташкилотлари ва хусусий тадбиркорларнинг давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари орқали шартнома тизимига ўтилишини таъминлаш;
- харажатлар ҳисобини юритиш ва маълумотларнинг таҳлилий базасини ташкил қилиш учун ҳисоб-китоблар тизимини яратиш;
- давлат тиббий суғурта жамғармасини ташкил этиш ва республиканинг барча ҳудудларини тиббий суғурта билан қамраб олишни босқичма-босқич амалга ошириш.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, соғлиқни сақлашни суғурталаш соҳасида алоқаларни тартибга солиш, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш, суғурта полислари бўйича юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, жумладан, имтиёзлар беришни рағбатлантириш аҳоли саломатлигининг яхшиланишига қаратилган муҳим қадам ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

2. Thomson S., Osborn R., Squires D., Jun M. «International Profiles of Health Care Systems: Australia, Canada, Denmark, England, France, Germany, Iceland, Italy, Japan, the Netherlands, New Zealand, Norway, Sweden, Switzerland, and the United States. // <http://www.commonwealthfund.org/~media/files/publications/fund-report/2014/nov/>

3. Султонова А.Ў. Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари орқали тартибга солишнинг халқаро амалиёти: и.ф.н. дисс. автореферати. – Тошкент: ТДИУ. 2001. – Б. 10-11.

4. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 28.09.2005 й. N 217-сонли Қарори

5. Kovalev, S. Innovative development of medical organizations in reforming of the health care system [Электронный ресурс] / S. Kovalev, A. Generalov, E. Yashina, P. Sorokoletov. URL: <http://ssrn.com/abstract=2610094>. 23 January 2016

6. Kissik, W.L. Medicine Dilemmas: Infinite Needs versus Finite Resources. New Haven / W.L. Kissik. - CT: Yale University Press, 1994.

7. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) ... автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2018.

8. <https://www.who.int/europe/publications/i/item/WHO-EURO-2021-2317-42072-57915>.

9. Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш: и.ф.н. ... дис. автореф. – Тошкент, 2001. – 21 б.

10. Ражабов Ў.Д. Ижтимоий хизматлар соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари: и.ф.н. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б

11. Маматқулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш: Тиббиёт олий ўқув юртлиги талабалари учун дарслик. – Тошкент, 2011 – 675 б.





РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY

Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

Muharrir

Yaxshiyev H.T.

Musahhih va dizayner

Matxo'jayev A.O.

Texnik muharrir

Mirzayev J.O'.

Litsenziya AI № 240 04.07.2013. Bosishga ruxsat etildi 07.11.2022.


Qog'oz bichimi 60x80 1/16. Times garniturası. Raqamli bosma.


Shartli bosma tabog'i: 23,3. Adadi 50 nusxa.


«IMZO PRINT MEDIA GROUP» XKning matbaa bo'limida chop etildi.

100066. Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



+998 71 239-28-41  <http://dgeconomy.tsue.uz/>

 dgeconomy_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz

 100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



COLORPACK

время ярких решений